

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олинди
№ МО-3-65
2014 йил



Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта маҳсус таълим вазирининг
2013 йил “65” августи даги
608 - сонли бўйрги билан
тасдиқланган.

“Ҳаётий фаолият хавфсизлиги”

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўкув дастури

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМНИ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

*Ҷайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури Олий ва
ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишилари бўйича ўқув-услубий
бирлашималар фаoliyatining Muvoofiқlasiшtiруvchi kengashining
2017 йил 18 августр даги 4 -сонли баённомаси билан
маъкулланган*

Тузувчилар:

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг исарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия мисаллари” модули: с.ф.д., проф. И.Эргашев, ф.ф.д., проф. М.М.Қажарови.

“Таълим-тарбия жараёниларини ташкил этишининг конуничилик нормалари” модули: ю.ф.и., доц. В.Топилдиев, ю.ф.и., доц. О.Х.Нарзуллаев.

“Инновацион таълим технологиялари на педагогик компетентлеш” модули: п.ф.д., проф. Н.А.Муслимов, п.ф.и. М.Т.Мирсалиев, ўқитувчилар И.А.Эшмиматов, К.Рискулова.

“Электрон педагогики исослари на педагогонинг шахсий, қасбий ахборот майдонини лойихалаш” модули: ф.-м.ф.и., доц. Х.Холмидов, катта ўқитувчилар В.Хамидов, М.Файзиева, ўқитувчилар Т.Шаймарданов, А.Обидов.

“Амалий хорижий тил” модули: катта ўқитувчилар. У.Гиясова, Ф.Бойсариева; Ўзбекистондаги Британия Кенгашининг етакчи мутахассислари.

“Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қирорлар қибул қилини технологиялари” модули: ф.ф.д., проф. Р.Самаров, ис.ф.и. Х.М.Алимов, ф.-м.ф.и., доц. А.З.Каримов

Махсус фанилар бўйича ишчи гурӯҳ: т.ф.и., доцентлар. Х.А. Саттаров, С.Хусинова О.Турсункулов, катта ўқитувчилар Ф.Ф.Хамидуллаев, Г.А.Джапалиева, М.Кадиров.

Такризчи:

Хорижий эксперт: Ph.D. Joe Stucker, Brownsburg Nigh School.

Ўқув дастури Тошкент давлат техника университети Кенгашининг қарори билан тасдиқка тавсия қилинган (2017 йил _____ даги - сонли баённома).

Кириш

Дастур Узбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон 2017 йил 7 февралдаги “Узбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарорида белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиккан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб бориши мақсад қиласди.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-хукукий асослари ва конунчилик нормалари, илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини кўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараккӣёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуклар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Дастур доирасида бериладётган мавзуулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илгор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш хисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаoliyatiini мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптималь қарорлар қабул қилиш билан боғлик компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиккан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қўйидаги модуллар мазмунини ўз ичига камраб олади:

I. Олий таълимнинг норматив-хукуқий асослари

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия масалалари.
- 1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг конунчиллик хужжатлари.

II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат

- 2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик.
- 2.2. Соҳа фанларини ўқитишида илғор хорижий тажрибалар.

III. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш

- 3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогининг шахсий, касбий ахборот майдонини лойихалаш.
- 3.2. Соҳадаги ахборот-коммуникация технологиялари.

IV. Амалий хорижий тил

- 4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишининг интенсив усуслари.

V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиши асослари

- 5.1. Олий таълим жараёнини бошқаринида тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилиш технологиялари.
- 5.2. Техникада тизимли таҳлил асослари.

VI. Махсус фанлар

- 6.1. Ҳаётий фаолияти ҳавфсизлиги.
- 6.2. Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси.
- 6.3. Мехнат муҳофазаси.

VII. Педагогик амалиёт

VIII. Малаканий аттестация

Курснинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муассасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларининг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўнікма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўкув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг вазифаларига қўйидагилар киради:

- “Ҳаётий фаолият ҳавфсизлиги” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш;
- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;
- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;
- маҳсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;
- “Ҳаётий фаолият ҳавфсизлиги” йўналишида ўкув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетентлигига қўйиладиган талаблар:

“Олий таълимнинг норматив-хукукий асослари”, “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнидаги ахборот-коммуникация технологияларини кўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва карор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Маҳсус фанлар бўйича тингловчилар қўйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- Ҳаётий фаолият ҳавфсизлигини хукукий, меърий ва ташкилий асосларини;
- ҳавф-хатарларни идентификациялашни;
- иктисолият тармоқларининг атроф мухитга салбий таъсири ва уларни ҳавфсизлигини таъминлашнинг ўзига хослигини;
- замонавий технологиялар ва техникалар ҳавфсизлигини таҳлили ҳавфсизликни таъминлаш тамойиллари, услублари ва воситаларини;
- фаолиятнинг ҳавфсиз шароитларини лойиҳалаш асосларини;
- ишлаб чиқариш санитарияси ва меҳнат гигиенасини;
- ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш ва касб касалликларини таҳлил қилиш услубларини;
- Ўзбекистон Республикасида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва окибатларини бартараф қилиш структурасини;
- радиация ҳавфсизлигини;

- фавқулодда вазиятларда хабар бериш ва алоқа тизимини;
- таълим муассасаларида ўқув тактик машғулотларни ташкил қилишни;
- сув тошкини ва кўчкода куткарув ишларини ташкил қилишни;
- меҳнат муҳофазасининг назарий асосларини;
- меҳнат муҳофазасининг хукукий, меъёрий-техник ва ташкилий негизини;
- меҳнат муҳофазасининг психофизиологик жиҳатларини;
- ишлаб чиқариш санитарияси ва меҳнат гигиенаси асосларини;
- хавфли ва заарли ишлаб чиқариш омилларининг юзага келишини олдини олиш усулларини **билиши** керак.

Тингловчи:

- ишлаб чиқариш тармоқларида хавфсиз иш шароитини ташкил этиш;
- асосий техника хавфсизлиги талаблари асосида фаолиятни амалга ошириш;
- фавқулодда вазиятлар турлари, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, оқибатларини таҳхил қилиш;
- ёнғин чиқиш сабаблари, уларни олдини олиш ва ўчиришнинг ташкилий ва техник воситаларидан фойдаланиш;
- фавқулодда вазиятлар инсонлар ва моддий бойликларни саклаш ва кутқариш тамоиллари, услублари ва воситаларини ишлатиш;
- фавқулодда вазиятларда куткарув ишларини ташкил қилиш;
- фавқулодда вазиятларда эвакуация ишларини ташкил қилиш;
- вайроналар остида колган инсонларни кутқариш;
- жабрланганларга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш;
- ишлаб чиқаришда хавфни таҳхил қилиш;
- меҳнат муҳофазасини ташкил этиш;
- меҳнат муҳофазасининг иқтисодий ва ижтимоий муаммолари, ечимларини топиш бўйича **кўнижмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- хавфлардан ҳимоялаш усуллари ва воситаларидан фойдаланиш;
- замонавий технологиялар ва техникалар хавфсизлигини таҳхил қилиш;
- ҳаётий фаолият хавфсизлиги йўналиши фанларини ўқитиша замонавий методлардан фойдаланиш;
- ҳаётий фаолият хавфсизлиги йўналишида хориж технологияларидан кенг фойдаланиш;
- электр қурилмаларининг ҳимоя воситаларидан фойдаланиш;
- жабрланганларга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва бу жараёнларни ўқув машғулотларида кўллашнинг самарали метод ҳамда воситаларидан фойдаланиш;
- меҳнат муҳофазасининг иқтисодий ва ижтимоий муаммолари, ечимларини топиш;

- фукаро муҳофазаси нормативларини тез ва қатъйлик билан бажаришга оид маълумотлар юзасидан тақдимот материалларини тайёрлаш *малакаларига* эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- ҳаётий фаолият хавфсизлиги йўналишида замонавий техника ва технологиялар хавфсизлиги таҳлилларини амалда кўллаш;
- сув тошкени ва кўчкига кутқарув ишларини ташкил қилиш ва амалда кўллаш;
- инсоннинг иш кобилиятини ошириш ва меҳнат унумдорлигини таъминлаш;
- ҳаётий фаолият хавфсизлиги йўналишидаги инновацияларни ўзлаштириш *компетенцияларига* эга бўлиши лозим.

Курс ҳажми

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Ўкув юкламаси ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши бўйича таълим дастурларини тўлик ўзлаштирган ва Аттестациядан муваффакиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони З-иловаси билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

“Ҳаётий фаолият хавфсизлиги” йўналиши бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўкув модуллари ва уларнинг мазмуни

I. Олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия.

Мустақил демократик тараққиёт ва жамият ривожи. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов асарларида жамият ривожига доир янгича назарий-концептуал ғоялар. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев демократик ислоҳотларни изчил давом эттириш тўғрисида. Халқ билан мулоқот ва инсон манбаатларини химоя қилиш – давлат сиёсатини устувор йўналиши. Халқ қабулхоналари ва виртуал марказларининг ташкил этилиши. Халқ давлат идоралари учун эмас, давлат идоралари халқ учун ишлашининг зарурлиги.

Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик раҳбар фаолиятининг асоси эканлиги. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ишлаб чиқилиши,

унинг устувор йўналишлари. Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида амалга оширилаётган туб демократик ўзгаришлар.

Таълим соҳасидаги ислоҳотлар, модернизациялаш ва интеграциялашиш жараёнлари. Жамиятдаги ўзгаришларда ёшлироқи. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг ташкил этилиши ва унинг аҳамияти.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари.

Норматив-хукукий хужжатлар тушунчаси ва турлари. Норматив-хукукий хужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга киритиш тартиби. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. “Таълим тўғрисида”ги Қонун. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг босқичлари ва асосий йўналишлари.

Коррупцияга карши курашнинг қонуний асослари ва унинг олдини олишнинг омиллари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга карши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарорининг мазмун-моҳияти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юкори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сон Қарори, 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони, 2016 йил 30 ноябрдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармонига ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги ПФ-4860-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўкув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4958-сонли, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарор ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 5-сон Қарори, 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўкув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 4-сон Қарори, 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон Қарори, 2006 йил 10 февралдаги “Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга қабул килиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш хусусидаги 20-сонли Қарори,

2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини кайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори, 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сонли қарорига ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш ҳакида”ги 3-сонли Қарори, 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини кайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли қарори, 2015 йил 2 марта даги “Магистратура тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳакида”ги 36-сонли қарори, 2016 йил 2 майдаги “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш ҳакида”ги 136-сонли қарори ва бошқалар.

Давлат таълим стандартлари, ўкув режалари ва фан дастурлари тушунчаси ва уларга қўйиладиган талаблар. “Олий таълим муассасаларида талabalар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талabalарининг малакавий амалиёти тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги Низом. Олий таълим муассасаларида мустакил таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом. “Магистратура тўғрисида”ги Низом. “Очиқ лекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом ва бошка меъёрий хужжатлар.

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2016 йил 2 майдаги “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш ҳакида”ги 136-сонли буйруги, 2017 йил 1 марта даги «Янги ўкув услугубий мажмууларни тайёрлаш бўйича услугубий кўрсатмани тавсия этиш тўғрисида»ги 107-сонли буйруги, 2017 йил 13 марта даги «Олий таълим муассасалари кафедралари Кенгашларини ташкил этиш тўғрисида»ги 138-сонли буйруги, 2015 йил 7 апрелдаги “Олий таълим муассасалари талabalari республика фан олимпиадаси тўғрисида»ги 123 -сонли буйруги, 2017 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги Қарорини ижроси тўғрисидаги 244-сонли буйруги, 2017 йил 26 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 20 майдаги 304-сонли Қарори ижроси тўғрисида”ги 342-сонли буйруги.

2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик

Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий асослари. Инновацион жараёнларнинг кечиш боскичлари.

Олий таълим мұассасаларыда ўқув жараёнини ташкил этишнинг инновацион шакл, метод ва воситалари.

Шахсга йұналтирилған таълим технологияларынинг мазмуні, йұналишлари. Таълим олувчиларнинг билиш фаолигини ошириш ва мустақил таълимини ташкил этиш асосидаги инновацион таълим технологиялари: амалий үйинлар, мұаммоли ўқитиши, интерфаол таълим, модулли-кредит тизими, case study (кейс стади), махорат дарслари, ассисмент методларидан ўқув-тарбия жараённан фойдаланиш. Ўқув лойихаларини ишлаб чикиш ва амалиёттә тәгбиқ этиш.

Педагог касбий компетентлігінинг тузилиши ва мазмуні. Педагог психологияк, методик, информацион, креатив, инновацион компетентлігі мазмун-моҳияти. Педагогик маҳорат асослари ва таркибий қисмлари. Ўқитувчининг коммуникатив компетентлігі, педагогик жараёнда мұлодот услубларини тұғри танлаш ва улардан самаралы фойдаланиш. Педагогик деонтология. Аудиторияда шахслараро мұнөсабатларни самаралы ташкил этиш ва гурухни оптимал бошқарыш.

Педагогик низоларни самаралы хал этиш йүллари. Замонавий педагог имиджи ҳамда ўқитувчининг ўз-ўзини касбий ва шахсий такомиллаштириб бориши.

Креативлик-педагогик ижодкорликнинг асоси сифатида. Олий таълим педагог кадрларининг креатив потенциали тушунчаси ва моҳияти. Педагогларда креатив компетентликни шакллантиришнинг зарурый шарт-шароитлари, моделлари. Касбий фаолиятта позитив-фаол мотивация ва педагог кадрларнинг креатив потенциалини баҳолаш мезонлари.

2.2. Соха фанларини ўқитиша илғор хорижий тажрибалар.

Соха фанларини ўқитиша илғор хорижий тажрибалар. Илғор хорижий давлатларда қабул қилинган таълим тизимини ўзига хос хусусиятлари. Мазкур таълим тизимини Ўзбекистон таълим тизими билан қиёсий таҳлили.

Соха фанларини ўқитиша талабаларнан назарий билимларини тузулмасини ва базасини шакллантириш. Назарий билимларини таркиби ва мазмунини амалиёттә мос келтириш.

Мемлекеттегі бозорда юкори даражада рақобатбордош бўлиш учун психологик кўнисмалар.

III. Таълим жараёнларыда ахборот-коммуникация технологияларини кўллаш

3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойихалаш.

Замонавий ахборот- коммуникация технологиялари ва улардан таълим жараённан фойдаланиш имкониятлари.

Педагогик фаолиятта амалий дастурий воситалардан фойдаланиш. Microsoft Office пакетининг замонавий версиялари таснифи. Microsoft

Office пакети дастурларида (MS Word, MS Excel, MS Power Point ва б.) ўқув-методик материалларини яратиш усуллари.

Web 2.0/3.0 технологиялари. Педагогик дастурий воситалар. Муаллифлик дастурлари (Ispring Free, Articulate ва бошк.) ва улардан фойдаланган ҳолда мультимедиали электрон ўқув ресурсларини яратиш.

Компьютер тармоклари. Интернет технологиялари характеристикаси. Интернет тармогининг асосий хизматлари ва унда мулокот турлари. Интернет ресурсларидан таълимда фойдаланиш. Ziyonet.uz таълим портали. Google асбоб ускуналари ва хизматлари (сервислари)дан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ва ахборот таълим майдонини лойиҳалаш. Электрон портфолио ва унда ишлаш технологиялари.

Масофавий таълим ва уни ташкил этиш асослари. Moodle масофавий таълимни бошқариш тизимида ўқув ресурсларини яратиш ва жойлаштириш.

Ахборотга таҳдидлар. Ахборотни ҳимоялашнинг замонавий восита ва усуллари. Идентификация ва аутентификация жараёнлари.

3.2. Соҳадаги ахборот-коммуникация технологиялари.

Соҳада қўлланиладиган ахборот-коммуникация технологияларининг ўзига хос имкониятлари. 3D технологиялар ва уларнинг хусусиятлари. Соҳа бўйича масофавий ўқитишида электрон таълим ресурсларини яратиш тамоиллари. Соҳада муаллифлик дастурий таъминотларидан фойдаланган ҳолда электрон таълим ресурсларини яратиш.

Соҳада масофали ўқитишининг назарий ва дидактик асослари. Масофавий таълимни ташкил қилиш усуллари. Масофавий таълим жараёнини амалга ошириш боскичлари. Соҳада эркин ва очик кодли дастурий таъминотлар таҳлили.

Соҳа бўйича курс лойиҳа ишларини бажаришда қўлланиладиган CAD/CAM/CAE, AutoCAD (КОМПАС), Pro/ENGINEER, CATIA, SolidWorks дастурлар.

Соҳада MathCAD, Matlab/Simulink, SCADA, GAUSS, SimPowerSystem дастурлардан фойдаланиш.

Соҳада Moodle тизимида ўқув жараёнини, жорий, оралиқ ва якуний назорат турларини ташкиллаштириш. Moodle тизимида ўқув контентларни шакллантириш ва бошқариш.

Соҳадаги оммавий онлайн очик курслар (Coursera, edX, Khan Academy, Udemy, UDACITY).

IV. Амалий хорижий тил

4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

Хорижий тилни ўқитиш ва ўрганишдаги ислоҳотлар. Тил бўйича Европа стандарти ва унинг талқини. Тил алоқа (коммуникация) воситаси сифатида ва тилга оид билим ва кўнимкамаларни шакллантириш усуллари. Тилни ўрганишда муваффақиятга эришиш шарт-шароитлари: касбий интерактив мулокот муҳити, мулокот клубларини ташкил этиш, ўзининг тил

кўникмалари даражасини баҳолаш ва бошк. Хорижий тилни ўрганишда грамматиканинг аҳамияти (грамматика ва лексика-B1-B2 оралиғида). Тил ўрганишда ўқитувчи ва ўрганувчиларни роли. Тил ўрганиш учун зарур ўқув-аудио, методик ва онлайн ресурслар.

Тили ўрганилаётган мамлакат маданиятини билишнинг аҳамияти. Маданиятлараро мулоқот компетенцияси (ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халклар маданияти, урф-одатлари, анъаналари ҳакида чет тилида гапира олиш).

Мулоқот мавзуулари: кундалик ҳаётга оид (шахсий маълумот, оила ҳакида маълумот, бўш вақтни ўтказиш ва ҳоказо) ижтимоий ҳаётга доир, таълимга ва касбга йўналтирилган мавзуулар.

Мутахассисликка оид матнларни ўқиши, уларни тушуна олиш, оғзаки баён эта олиш, ўз фани бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда соҳага оид хорижий тилдаги атамалардан фойдаланиши.

5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилиш технологиялари.

Тизимли таҳлил назарияси фанлараро назария сифатида. Тизим ва тизимнинг белгилари. Тизимлар классификацияси. Тизим структураси. Тизимли таҳлилнинг мақсади ва вазифалари. Тизимли синтез.

Педагогик фаолиятда тизимли таҳлил. Педагогик тизим ва унинг тузилиши. Педагогик вазиятларнинг тизимли таҳлилини амалга ошириш. Тизимли таҳлилни амалга оширишнинг асосий босқичлари. Тизимли таҳлилни амалга ошириш моделлари. Тизимли таҳлилни амалга ошириш методлари.

Қарор тушунчаси ва унинг асосий вазифалари. Қарор турлари ва уни қабул қилиш усуллари. Қарорларга қўйиладиган асосий талаблар.

Қарор варианatlарини тайёрлаш технологияси. Қарор қабул қилиш жараёни ва педагог шахси. Қарорларни қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар. Педагогик жараённи бошқаришда қарорларнинг ўрни.

Қарор натижаларини баҳолашнинг экспертли ва прогностик методлари. Қарорлар самарадорлигини баҳолаш мезонлари. Қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш механизми. Педагогик фаолиятда қарор қабул қилиш технологияси. Қарорлар ижросининг назорати.

5.2. Техникада тизимли таҳлил асослари

Техникада тизимли таҳлил ва унинг таснифи. Техникада тизим турлари. Техникада тадқиқотлар натижасининг тизимли таҳлили. Олинган илмий тадқиқот натижаларини амалиётта татбиқ этишда тизимли ёндашув. Билиш жараёнларнинг ички тизимлилиги.

Техникада тизимли таҳлилнинг усул ва моделлари. Моделдаги элементларни нисбий ҳакиқий билиш даражаси. Техникада тизимларни

моделлаштириш натижаларини статистик ишлов бериш хусусиятлари. Техникада математик дастурлаш масалалари ва уларни ечиш усуллари.

Техникада чизикил дастурлаш масалалари ва уларни ечиш йўллари. Техникада статистик ноаниклидаги танлов қонуниятларини таҳлил қилиш. Техникада ечимлар қабул килишда эксперт усуллари ва прогноз элементлари.

Табиий ва сунъий тизимлар, уларни умумлаштириш асослари.

Махсус фанлар

6.1. Ҳаётий фаолият ҳавфсизлиги

Инсон ҳаётий фаолияти ҳавфсизлиги таълимотининг юзага келиш сабаблари, мақсади ва мазмун-моҳияти. Ҳаётий фаолият ҳавфсизлигининг назарий асослари. «Инсон - техносфера» тизимининг хозирги холати. Инсон ва яшаш мухитини бир-бирига таъсири.

Табиий ва техноген ҳавфлар, ҳавфларни идентификацияси, ҳавфлардан ҳимоялаш усуллари ва воситалари. Ҳаётий фаолият ҳавфсизлигини бошқариш. Ҳаётий фаолият ҳавфсизлигини ҳуқуқий, меърий ва ташкилий асослари.

Ҳаётий фаолият ҳавфсизлигини иқтисодий муаммолари. Иқтисодиёт тармоқларининг атроф мухитга салбий таъсири ва уларни ҳавфсизлигини таъминлашнинг ўзига хослиги, замонавий технологиялар ва техникалар ҳавфсизлигини таҳлили.

6.2. Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси

Фавқулодда вазиятларни олдини олиш, аҳолини ва худудларни муҳофаза қилиш, иқтисодиёт тармоқларининг барқарорлигини ошириш, кутқарув ва тиклов ишларини ўтказишга куч ва воситаларни тайёрлаш ҳамда кўриладиган зарар ва талоғотларнинг миқёсини камайтириш юзасидан бажариладиган вазифалар. Фуқаро муҳофазасини режалаштириш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари. Фуқаро муҳофазаси режасига қўйиладиган талаблар ва таалуқли меъёрий- ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун моҳияти.

Террорчиликка қарши операция - террорчилик ҳаракатига чек қўйиш ва уни оқибатларини минималлаштириш. Террорчилик ҳаракатларига қарши Ўзбекистонда яратилган ҳуқуқий база асослари. Терроризмни олдини олиш ва унга қарши ҳавфсизлик сиёсатида Ўзбекистоннинг тутган ўрни.

Турли экстремал вазиятларда кутқарув ва бирламчи тиклов омилларини ишлаб чиқиши ва амалга ошириш услублари.

Техноген тусдаги фавқулодда вазиятларни сабабчи омиллари ва турлари. Гидротехник иншоотлардаги ёнгин чиқиши ва портлаш ҳавфи бўлган обьектлардаги аварияларда олиб бориладиган чора-тадбирлар. Гидротехник иншоотларини лойиҳалаш куриш ва фойдаланиш талаблари.

6.3. Мехнат мухофазаси

Ишлаб чиқаришдаги хавфли омиллар, уларни сифат ва сон таҳлили. Мехнат шароитлари ва уларни гигиеник баҳолаш. Мехнат хавфсизлигини таъминлаш тамойиллари, усуллари ва воситалари.

ИНсонни иш қобилияти ва уни динамикаси. Ишлаб чиқаришдаги мехнат хавфсизлигини таъминлашда психологияни ўрни. Хавфсиз мехнат фаолиятини рагбатлантириш.

Босим остидаги идишлар ва техник қурилмалардан фойдаланишда мехнат хавфсизлиги таъминлаш, уларни ўрнатиш, рўйхатга олиш, техник гувоҳнома бериш ва фойдаланишга руҳсат бериш бўйича талаблар.

Ишлаб чиқаришдаги технологиялар ва техник воситалар хавфсизлиги. Хавфсизликни таъминловчи техник воситалар ва уларга кўйиладиган талаблар. Мехнат хавфсизлиги техникаси. Электр хавфсизлиги асослари.

Материаллар ва технологик жараёнларни ёнғин хавфлигини баҳолаш. Бино ва иншоотларни ёнғин хавфсизлиги. Технологик жараёнларни ёнғин хавфсизлиги. Ёнғин ва портлашларни олди олиш бўйича ташкилий ва техник тадбирлар.

Халқаро мехнат ташкилоти, уни тузилмаси, асосий хужжатлари ва меҳнат мухофазаси соҳасидаги илгор тажрибаларни халқаролашувидаги ўрни. Ривожланган мамлакатларда мехнат мухофазасини бошқариш тизими. Мехнат мухофазасида ижтимоий ҳамкорлик тизими.

VII. Педагогик амалиёт

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида педагогик амалиёт очик маъruzалар ва амалий машғулотлар ўтказиш, ўтилган дарсларнинг мухокама қилиниши ва танқидий таҳлил этилишига асосланган ҳолда амалга оширилади.

Педагогик амалиёт қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хослигидан келиб чиккан ҳолда олий таълим муассасаларининг тегишли профиль кафедраларида ташкил этилади.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларда тингловчилар ўкув модуллари доирасидаги ижодий топшириклар, кейслар, ўкув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустакил ҳолда ўкув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил таълим тегишли ўкув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириклар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув иши (лойиха иши) ни тайёрлайди.

Битирув иши (лойиха иши) талаблари доирасида ҳар бир тингловчи ўзи дарс берадиган фани бўйича электрон ўкув модулларининг тақдимотини тайёрлайди.

Электрон ўкув модулларининг тақдимоти куйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

Кейслар банки;

Мавзулар бўйича тақдимотлар;

Бошқа материаллар (фанни ўзлаштиришга ёрдам берувчи қўшимча материаллар: электрон таълим ресурслари, маъруза матни, глоссарий, тест, кроссворд ва бошк.)

Электрон ўкув модулларини тайёрлашда куйидагиларга алоҳида эътибор берилади:

- тавсия килинган адабиётларни ўрганиш ва таҳжил этиш;

- соҳа тараққиётининг устивор йўналишлари ва вазифаларини ёритиш;

- мутахассислик фанларидаги инновациялардан ҳамда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.

Шунингдек, мустақил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўкув-методик ресурсларини “Электрон потрфолио” тизимиға киритиб бориши лозим.

Дастурнинг ахборот-методик таъминоти

Модулларни ўқитиши жараёнида ишлаб чиқилган ўкув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қофоз вариандаги манбаалардан фойдаланилади.

Адабиётлар

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008.– 176 б.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011.–440 б.

3. Каримов И.А. Она юртимиз бахти иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. –Т.: “Ўзбекистон”, 2015. – 302 б.

4. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига

багишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутки. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.

5. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 24 йиллигига багишланган тантанали маросимдаги маъruzаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.

6. Мирзиёев Ш.М. Тақирий тахлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: “Ўзбекистон”. – 2017. – 1026.

7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга курамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

II. Норматив-хукуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сон Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июндаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоки фаолиятини кўллаб-куватлаш тўғрисида”ги 5106-сон Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4732-сон Фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли қарори.

9. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 февралдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисидаги низомга ўзгаришиш ва қўшимчалар киритиш хақида”ги 103-сонли карори.

III. Махсус адабиётлар

1. Diane Belcher, Ann M. Johns, Brian Paltridge. New directions in English for specific purposes research. The University of Michigan Press. 2011.
2. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.– Т.: “Нихол” нашриёти, 2013, 2016.–2796.
3. Karimova V.A, Zaynudinova M.B., Nazirova E.Sh., Sadikova Sh.Sh. Tizimli tahlil asoslari.– Т.: “O’zbekiston faylasuflar milliy jamiyat nashriyoti”, 2014.–192 b.
4. Michael Swan, Catherine Walter. The Good Grammar Book. Oxford, 2001.
5. Норенков И.П., Зимин А.М. Информационные технологии в образовании: Учебное пособие.–М.: Изд. МГТУ им. Н.Баумана,2002.-336с.
6. Подласый И. Педагогика. Новый курс: учебник для студ. педаг. вузов. - в 2-х кн. – М.: ВЛАДОС, 1999. – 567 с.
7. Креативная педагогика. Методология, теория, практика. / под. ред. д.т.н., проф.В.В.Попова, акад.РАО Ю.Г.Круглова.-3-е изд.–М.: “БИНОМ. Лаборатория знаний”, 2012.–319 с.:ил.
8. Peter Master. English Grammar and Technical Writing. Regional Printing Center. 2004
9. Сергеев И.С. Основы педагогической деятельности: Учебное пособие. – СПб.: Питер. Серия “Учебное пособие”, 2004–316 с.: ил.
10. Сурмин Ю.П. Теория систем и системный анализ: Учебное пособие.– Киев:” “МАУП”, 2003.– 242с.
11. G’ulomov S.S., Begalov B.A. Informatika va axborot texnologiyalari.– Т.: Fan, 2010.–686с.
- 12.М.Тожиев, И.Нигматов, М.Илҳомов “Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси” ўқув қўлланма. Т., М.Ч. “Таълим манбаи”, 2002.
- 13.Нигматов И., Тожиев М. “Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси”. Дарслик -Т., “Иктисад-молия”, 2011.
- 14.Рахмонов И., Ваҳобов У., Ёкубов Н. “Фавқулодда ҳолатларда шикастланганларга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш”, Т.: “Фан”, 2004.
- 15.Юлдашев О., Ҳасанова О., Жалолов У., Турагалов Т. , Артыков.А, Ҳусанова С. “Аварийно-спасательные работы”, Учеб.пособие.-Т.:2008.
- 16.«Первая медицинская помощь на месте происшествия», Учеб.пособие для добровольных спасателей, Т.: «Международная стратегия снижения риска стихийных бедствий»,2008.

- 17.O'. Yo'ldoshev va boshqalar. Mehnatni muxofaza qilish. -T.: Mehnat, 2005.
1. Yo'ldashev O'R., Usmonov, U., Qudratov O. "Mehnatni muxofaza qilish". -T.: 2001.
18. Ўйлдошев ва бошқалар. Мехнатни мухофаза килиш. -Т.: Мехнат, 2005.
- 19.Yormatov G'.Yo, O.R.Yuldashev Hayot faoliyati xavfsizligi. -T.: "Aloqachi" 2009.
- 20.Cimini, Domenico, Marzano, Frank S., Visconti, Guido, Applications for Climate, Meteorology and Civil Protection. 2007
- 21.John Tiefenbacher, Approaches to disaster management- examining the implications of hazards, emergencies and disasters. 2011
- 22.Mark A Friend, James P Kohn, Fundamentals of Occupational Safety and Health. 2015
- 23.Fundamentals of General Ecology, Life Safety and Environment Protection. Mark D Goldfein, Alexei V Ivanov, Nikolaj Kozhevnikov, V Kozhevnikov. Nova Science Publishers, Inc. (April 25, 2013).
- 24.Socio - Information and Broadcasting danger informations technologies. Textbook for High Schools. Rysin YS, Helios ARVs, M.: 2007.

IV. Электрон таълим ресурслари

1. Узбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги: www.edu.uz.
2. Узбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси: www.aci.uz.
3. Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш: www.ictcouncil.gov.uz.
4. ЎзРес.ОУМТВ хузуридаги Бош илмий-методик марказ: www.bimm.uz
5. www.Ziyonet.uz
6. www.sciencedirect.com
7. www.acs.org
8. www.nature.com
9. <http://www.kornienko-ev.ru/BCYD/index.html>.

“ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН”:

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар
кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини оширишни ташкил этиш
Бош илмий-методик маркази

Директор _____ У.Ш.Бегимқулов

“ ” 2017 й.

М.Ү.

Ташкент давлат техника университети

Ректор _____ С.М. Турабджанов

2017 й.

М.Ү.

Ташкент давлат техника университети
хуузурдаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва
уларнинг малакасини ошириш тармок маркази

Директор _____ Н.А.Абдужабаров

2017 й.

М.Ү.

“КЕЛИШИЛГАН”:

Янги дастурлар ва ўкув адабиётларнинг
жорий қилинишини назорат қилиш Бош
бошқармаси

Бошқарма

бошлиги

О.И.Исмоилов

“ ” 2017 й.

М.Ү.